



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йил 20-21 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўладиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг тўртинчи саммитида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, республика қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари акциядорларининг акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг компаниясини («Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин: ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

энергия ва металл ишлатишни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш; холдинг компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

3. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ижро аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Компания бошқаруви раисига зарур ҳолларда, унинг ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгаришлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда холдинг компанияси акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига биноан тайинланади.

4. Белгилансинки, «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясининг бошланғич низом жамғармаси компанияга мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган қийматда бериладиган давлат акция пакетлари ва улушлари ҳисобидан 3-иловага мувофиқ шакллантирилади.

Холдинг компаниясига тушган маблағларни соҳага оид инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан компания акциялари пакетининг қамиди 51 фоизини давлат тасарруфидида сақлаб қолган ҳолда, акциялар қўшимча эмиссиясини амалга оширишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янги ташкил этиладиган «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятида жамлаш ва «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини «Чирчикқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятига ўтказиш; «Чирчикқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

янги ишлаб чиқариш корхоналарини 4-иловага мувофиқ жойлаштириш учун «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчикқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларининг бўшайдиган ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ҳамда ер участкаларини «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси балансига унинг низом жамғармасидаги давлат улуши ҳисобидан белгиланган тартибда ўтказиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги техникаси учун компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолиш, бунда акциядорлик жамиятининг устав жамғармасида давлат улушини «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидида қарздорлигини, ҳисобланган пеня ва жарималари билан бирга капиталлаштириш эвазига қўлайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда)



Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» IV халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси кўмағида «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва «Ехроконтакт» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Ш.Султонов, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бошқаруви раиси И.Отахонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, енгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилиниб, замонавий технологиялар жорий этилаётди, янги корхоналар ташкил қилинмоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, экспорт салоҳиятини оширмоқда.

2013 йилда соҳа корхоналари томонидан қиймат қарийб 2150 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспорт қилинган маҳсулотлар умумий ҳажми 827,3 миллион долларни ташкил этди. Чунончи, хорижий давлатларга қиймат 120 миллион доллардан ортиқ қармдан тайёрланган пойабзал ва атторлик маҳсулотлари етказиб берилди.

Мамлакатимизда тўрттинчи марта ўтказилаётган «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» халқаро кўргазмасида Хитой, Италия, Россия, Индонезия, Туркия ва бошқа давлатлардан саксондан ортиқ кор-

хона қатнашмоқда. Улар мода саноатининг энг сўнгги йўналишлари ва бозор талабларини инобатга олган ҳолда, пойабзал ва тикучилик маҳсулотлари, чарм, газлама, мўйна ва қорақўлдан аксессуарларни намойиш этмоқда. Шунингдек, иштирокчилар стендларида замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар ва фурнитураларни ҳам кўриш мумкин.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси таркибига қирадиган корхоналар кенг экспозицияни иштирокчилар эътиборига ҳавола қилмоқда. Масалан, «Farg'ona charm polimer», «Poyabzalchi», «Style-Step», «Edelweys», «Dambog' poyabzali savdo» компаниялари аёллар, эркаклар, болалар, спорт пойабзали, шунингдек, маҳсул оёқ кийимлар, ортопедик ва бошқа кенг турдаги пойабзал маҳсулотларини намойиш этаётди. Мамлакатимиз корхоналари томонидан чарм ва унинг ўрнини босадиган материаллардан тайёрланган буюмлар — либослар, сумка, камар, спорт инвентарлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Корхонамиз чарм ва унинг ўрнини босадиган материаллар, резинадан пойабзаллар ишлаб чиқармоқда, — дейди Самарқанд вилоятидаги «Замон Текстиль Экспорт» масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар бўйича ме-

нежери Шерали Темиров. — Маҳсулотларнинг катта қисми МДХ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Қозғистонда ҳам ўз корхонамизни очиб, Россияда дўконлар тармоғини ташкил этдик. Чет эллик ҳамкорларимиздан қўлаб буюртмалар келиб тушмоқда. Шунинг учун ишлаб чиқариш қувватини ошириб, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз.

Енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар нафақат юқори сифати, балки замонавий дизайни билан ҳам ажралиб туради. Шу боис бундай маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб катта бўлиб, ўнлаб давлатларга экспорт қилинаётди. Андижон вилоятидаги «Barchino Textile» хусусий корхонаси бош директори ўринбосари Иброҳим Раҳимовнинг қайд этишича, корхона маҳсулотларига бўлган талаб муттасил ортиб бормоқда. Айни пайтда корхона ўз маҳсулотларини МДХ мамлакатларига етказиб бормоқда, Европа бозорларига чиқиш мўлжалланмоқда. Мазкур кўргазмада иштирок этиш самарасида яқин вақт ичида қатор экспорт шартномаларини тузиш режалаштирилаётди.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

Хабар қилинганидек, Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Президент Ислон Каримов форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани барча олим ва мутафаккирларни гоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди. Анжуманнинг шўъба мажлисларида Шарқ алломаларининг астрономия, математика, география ва геодезия каби аниқ фанлар шаклланишидаги ўрни, тиббиёт, фармакология, кимё ва минералогия сингари табиий фанлар ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, ўрта асрлар мутафаккирларининг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳаларидаги ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Ал-Хоразмий илмий меросининг Темурийлар даври архитектураси ва эпиграфикасига таъси-

ри, Абу Райҳон Беруний ва геологияда геодинамика ғоясининг шаклланиши, Аҳмад ал-Фарғонийнинг гидрологияга оид кашфиётлари, Ибн Сино илмий мероси ҳамда унинг тиббиёт ва фармацевтика ривожланишидаги ўрни, Маҳмуд Замашшарийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматлари, Мирзо Улугбек ва у ташкил этган илмий мактабнинг математика ва астрономия тараққиётига қўшган ҳиссаси, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожидagi аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳкама этилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳамкорлигида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ва унинг ижроси самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

● Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида «Энг яхши веб-сайт ва дастурий таъминот» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 114 нафар ўғил-қиз қатнашди.

● Гулистонда «Юксак маънавиятлив авлод» республика иқтидорли ёшлар фестивалининг Сирдарё вилояти босқичи ўтказилди. Фестивалнинг туман ва шаҳар босқичларида қарийб тўрт юз нафардан зиёд ёш Президент асарлари билимдони, илм-фан, тасвирий ва амалий санъат, миллий мусика ва санъат, бадий ижод каби йўналишлар бўйича ўз билим ва истеъдодини намойиш этди. Вилоят босқичида ўттиз нафарга яқин ёш ўзaro баҳс олиб борди.

● Андижонда китобхонлар байрами бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Экспертлар Япониядаги «Фукусима-1» атом электр станцияси реакторидаги радиация сизиб чиқаётган жойини аниқладилар. Уларнинг фикрича, ички химоя қатламига реакторни совутиш учун узатиладиган сувнинг ўрнидан юқорида бўлганлиги сабабли радиациянинг чиқиши рўй бермоқда. Ушбу носозликка қандай барҳам берилиши ҳозирча маълум эмас.

● Қалбаки пул ясовчиларнинг Перудан қўлбола долларни АҚШга болалар китоблари ичига яширган ҳолда яширинча ўтказганликлари маълум бўлди. Гап шундаки, Лима шаҳридаги аэропорт омборларининг бирида божхона хизмати ходимлари Нью-Йоркка жўнатилаётган болалар китобларининг йирик туркумини текширганида ҳар бир китобнинг ичига бир нечтадан доллар яширилганлиги маълум бўлди. Текширув чоғида уларнинг қалбаки эканлиги аниқланди.

● АҚШнинг Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида номаълум кимса томонидан мактаб атрофида ўқ узилиши натижасида бешта ўқувчи жароҳатланди.

● Олимларнинг халқаро гуруҳи Жанубий Американинг шимолий-шарқидида жойлашган мамлакат — Суринам тропик ўрмонларида фанга илгари номаълум бўлган 60 та жониворни аниқлашди. Улар орасида 11 хил балиқ ва 6 турдаги қурбақа ҳам бор. Биологларнинг сўзларига қараганда, шоколад рангидаги ёғоч қурбақаси ва дархатда юрадиган заҳарли қурбақа тури ажойиб кашфиётлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯВИЙ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой мuddатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятини ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятини низом жамғармаларини шакллантиришни белгиланган тартибда таъминласин.

Белгилансинки, «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятларининг бошлангич низом жамғармалари тугатилган «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятларининг бюджет ва давлат мақсадли қўрилган олдидagi қарздорлигини, жумладан, қарздорлигини сўндириш пайтигача ҳисобланган пеня ва жарималарни қўшган ҳолда ундирш ҳисобидан мулк комплексларининг бир қисми сифатидаги давлат улуши эвазига шакллантирилади.

7. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси 2019 йилнинг 1 январига «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятларини тугатиш жараёни нисбатига етган, компанияга берилган ер участкалари ва мулк бўйича ер солиғи ва мулк солиғидан озод этилсин.

Белгилансинки, холдинг компаниясига берилган ер участкалари ва мулк негизда ташкил этиладиган янги корхоналар ер ва мулк солиғини ўнатиш тартибда бўлади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида қўл қавлати уйлар, иктомий соҳа муассасалари ва бошқа объектларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида (ПТЗ-1, ПТЗ-2, ПТЗ-4 ва Юнқий даҳлариди) энергия тежайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган маҳаллий қозонхоналари қуриш ва уларни 2015 йилнинг биринчи чорагидан кечиктирмай ишга туширишни кўзда тутсин.

Маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, қонунчиликда таққилланмаган бошқа манбалар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғ-

бек туманида маҳаллий қозонхоналар қуришни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллий қозонхоналар фойдаланишга топширилган, уч ой мuddатда Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда бузиш, қозонхона ускуналарини қайта монтаж қилишни таъминласин.

10. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Ишчи комиссияси 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (У.У.Розуқов) қонунчиликда белгиланган тартибда:

икки ой мuddатда «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясини шакллантиришни ташкил этиш, компания тасвир ҳужжатларини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш, ижро аппаратини юқори малакали кадрлар билан тўлдирлишини;

«Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятини тугатиш жараёнини ташкил этишни таъминласин;

«Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ижро аппаратини Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчасидаги 434-уйда (1-маъмурий-маиший корпусда) жойлаштирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда қуйидагиларни кўзда тутадиган 2014-2016 йилларда республикада қишлоқ хўжалиги техникаси сервис хизматларини кўрсатиш тизимининг фаолият кўрсатишини янада такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

қишлоқ хўжалиги техникаси сервис хизматларини кўрсатишнинг замонавий услублари ва технологияларини жорий этиш;

мамлакатимиз машинасозлик корхоналарида республикада фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси сервис хизматларини кўрсатиш учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси сервис хизматларини кўрсатишда контрафакт ва сифати бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган эҳти-

ёт қисмлардан фойдаланишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун, жумладан, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-хўна колледжларининг республика машина-трактор паркларини билан ўзаро ақин ҳамкорлигини қучайтириш, шунингдек, механизматорлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш.

12. Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, таъмирлаш ва унга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича механик-хўдовчилар ва механикларни тайёрлаш учун масъул асосий касб-хўна колледжлари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази билан ҳамкорликда икки ой мuddатда 6-иловада кўрсатилган касб-хўна колледжларини зарур ускуналар, материаллар, ўқув ва қўргазмалар қўланмалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси намуналари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВТошкент шаҳри,
2014 йил 15 майХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯ
ЯКУНЛАНДИ(Давоми. Боши
1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шухрат Эгамбердиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи проректори Шухрат Сирожиқидинов, Хитой Фан ва технологиялар университети тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, «Абу Али ибн Сино – Франция» уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел (Франция), Лувен католик университети профессори Оуль Янссенс (Бельгия) ва бошқалар Президент Исро Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференция ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини

идроқ этиш, бу борадаги халқаро, илмий ҳамкорлиқни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди. Анжуман иштирокчилари Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Ангил санат ва иқтисодиёт касб-хўна колледжларида бўлиб, мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик узлуқсиз таълим тизими самаралари билан танишди. Меҳмонлар ёшларнинг халқаро стандартлар асосида, замон талабларига мос таълим-тарбия олиши учун яратилган шароит ва имкониятларга юксак баҳо берди.

Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зиярати, истиқлол йилларида бўлиб ўтган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ
ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Италиянинг «Siretessile Textile Industry» компанияси менежери Марко Нерининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг пойабзал ишлаб чиқариш салоҳияти ортиб бораётган ва бу ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйишни тақозо этади. Пойтахтимиздаги «Pro-Obuv» масъулият чекланган жамияти кенг турдаги тайёр махсус пойабзалларни тақдим этмоқда. Қўргазманинг биринчи кўнида корхона маҳсулотла-

рининг хорижий харидорлари сафига Жанубий Корея компаниялари ҳам қўшилди.

— Аввал ўтказилган қўргазмалар юртимизда ишлаб чиқарилган товарлар юқори сифати ва замонавий дизайни билан ажралиб туриши, хорижий маҳсулотлардан бир неча баробар арзон эканини намоён этиш эди, — дейди «Ўзбекчарипойабзали» уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Шарифшон Шералиев. — Бу икки бозорни харидорлар миллий маҳсулотлар билан тўлдирш баробарида уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бермоқда.

«Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» халқаро қўргазмаси халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун қулай имкониятлар. Унинг иштирокчилари географияси йил сайин кенгайиб бормоқда. Аънаанага қўра, қўргазма якунида янги экспорт шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланади.

Қўргазма дастури доирасида хунармандлик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришга оид тренинг, аёллар либосларини тайёрлаш бўйича махорат сабоқлари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Бобур ОБИДОВ,

ЎзА мухбири

Ёлқин Шамсидинов (ЎзА) олган суратлар

Мамлакатимизда элу юрт ривож ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўйиш йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар, янгилик яратиш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга интилаётган ишбилармонларни, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда қулай бизнес муҳитини яратиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинаётган бир қатор Қарорлар дастуруламал бўлмоқда.

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Республикамиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, тадбиркорлик субъектлари сонининг йилдан йилга ошиб бораётганини кўриш мумкин. Бунда юртимизда фаолият олиб бораётган юқори қаттар банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўрни катта албатта. Айниқса бугунги кунда оилавий тадбиркорлиқни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундан ташқари аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам ўзининг юксак самарасини бермоқдаки, бу албатта аҳолининг банкларга бўлган ишончининг ошиб бораётганидан далолатдир. Банклардаги ресурс базасининг асосий қисми айнан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари эвазига шакллантирилаётганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Мижозлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни яхши йўлга қўйиб фаолият олиб бораётган «Капиталбанк» ОАТБ ҳақида ҳам шундай илқ фикрларни айтиш мумкин. Ушбу банк томонидан мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларнинг доимо юқори савияда бўлиши улар сафининг ортини ва қатор қўлайлиқлар яратишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2014 йилнинг биринчи чораги мобайнида «Капиталбанк» ОАТБ томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 53,5 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилган. Ушбу қўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга кўндр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан 2014 йил январь-март ойлари давомида тадбиркор аёлларга жами 16,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилган. Бу эса белгиланган 13,7 миллиард сўм режанинг 121 фоизга бажарилганини кўрсатади. Кредитлар ҳисобига яратилган янги ишчи ўринлари эса 96 тани ташкил қилди.

— Юртимизда томонидан кичик бизнес субъектларига қаратилаётган катта эътибор, қолаверса аёлларнинг ҳар соҳа-

да фаол бўлишлари борасида яратилаётган шарт-шароитлар, тадбиркорлик соҳасига кириб келаётган ишбилармон ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бизга қанот бўлмоқда, — дейди «Nikus Bread Products» масъулият чекланган жамияти раҳбари Назира Ермибетова. — Биз ҳам мана шу имкониятдан фойдаланиб ҳалқимиз эҳтиёжини ушун ҳамма керак бўладиган ва на он маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Капиталбанк» ОАТБ нинг Нукус филиалидан 19,6 миллион сўм кредит олдик. Кредит ҳисобига сотиб олинган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида бугун ишларимиз рисоладагидек кетмоқда. Банк томонидан бизга кўрсатилаётган намунали хизматдан миннатдормиз. Келажақда фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирялмиз. Бунда албатта яқин ҳамкорлигимизга айланган «Капиталбанк» ОАТБга мурожаат қиламиз.

Шунингдек, банк томонидан давлатимиз раҳбари Исро Каримовнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича жорий йилнинг биринчи чорагидида хўжалик юритувчи субъектларга 8,2 миллиард сўм, 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий озиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан хисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларга 15,9 миллиард сўм, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ажратилган кредитлар миқдори 9,1 миллиард сўмни ташкил этган. Ушбу кредитлар замонавий технологияларни сотиб олиш, намунали иш фаолиятини йўлга қўйиб элимиз дастурунчи тўқилиги, юрт фаровонлигига кўпроқ ҳисса қўйиш, шу билан бирга янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ажратилган жами кредитлар ҳисобига яратилган янги иш ўринлари сони 346 тани, шундан кичик бизнес субъектлари учун 299 тани ташкил этди.

КАРТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

— Мамлакатимизда тижорат банклар томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитларнинг ажратилаётгани иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди «Мадад» масъулият чекланган жамияти раҳбари Мухторали Юлдашев. — Мен ҳам бизнес-режа асосида «Капиталбанк» ОАТБнинг Фарога вилояти филиалидан 694 миллион сўм кредит олдим, ҳар хил металл листлардан суялтирилган газ ташиш ва сақлашга ихтисослашган цистерналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Олинган кредит ҳисобига цистерна ишлаб чиқариш учун турли хом ашё(металл лист,цистерна учун арава ва ҳокзозларни) сотиб олдим, шунинг ҳисобига 5 та ишчи ўрни яратилди, эътиборлики, уларнинг 3 нафари коллеж битирувчиларидир. Менга тақлим этилган кредит тури, унинг шартлари ҳамда ажратиш тартиблари, кредитлаш имтиёзлари ва афзалликлари жуда маъқул. Ишимни яхши йўлга қўйиб олганим эса бунинг амалдаги исботи, албатта. Корхонани кенгайтириш бўйича ҳозирда янги лойиҳага қўл урмоқдамиз, ишоманам, банк томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муаммо бўлмайд.

— Аҳолига хусусан, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида лизинг хизмати кўрсатишни йўлга қўйдик, — дейди «Start leasing» МЧЖ раҳбари Аҳмад Раҳимов. — Бунда бизга «Капиталбанк» ОАТБнинг Тошкент шаҳар филиали ёрдамга келди. Банкдан фаолиятимизни ривожлантириш, автотранспорт воситалари, мол-мулк, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва келгусида тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида бериш учун 100 миллион сўм кредит олдик. Шунинг ҳисобига 2та янги иш ўрни яратилди. Биз ушбу банк хизматидан мамнунмиз ва келгусида ҳам ҳамкорлиқни давом эттириш ниятимиз бор.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мазкур банкдан кредит олиб самарали фаолият юритаётган, элу юртимиз ривожиди, дастуруларимиз тўқилиги, фаровонлигига хизмат қилаётган тадбиркорлар ҳақида яна қўллаб-қувватлаш келтириб ўтиш мумкин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ИНХА
УНИВЕРСИТЕТИ
ПРЕЗИДЕНТИ
БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимизда Жанубий Кореянинг Инха университети президенти Пак Чун-Бэнинг академик лицей ва касб-хўна колледжлари битирувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган учрашув видеоконференция шаклида ўтказилган унда мамлакатимиз ҳудудларидан ҳам абитуриентларнинг иштирок этишига имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Шерматовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда таълим соҳасининг изчил ислоҳ этилаётгани барча йўналишлар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида Жанубий Кореянинг Инха университети филиали очилиши амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самараси бўлди.

Тадбирда Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университетидида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етакчи мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароит яратилишини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 24 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳридаги Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Пак Чун-Бэ Тошкент шаҳридаги Инха университети яқин келажақда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ахборот технологиялари саноти мутахассисларини тайёрлайдиган етакчи марказлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Мамлакатимизнинг ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари янги олий ўқув юртига кириш, бу ерда тахсил олишга оид ўзларини қизқитириган саволларга батафсил жавоб олди ва Жанубий Корея олий таълим тизими билан танишди. Видеоконференцияда Тошкент шаҳридаги Инха университетида кириш имтиҳонлари саволларининг намуналари намоён қилинди.

(ЎзА)

ЎШ
ҲУҚУҚШУНОСЛАР
БЕЛЛАШДИ

Ички ишлар вазирлиги академиясида ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фанидан талабалар республика фан олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқшунослик йўналишига ихтисослашган Тошкент Давлат юридик университети, ИИБ академияси, шунингдек, таркибда ҳуқуқшунослик факультети бўлган олий таълим муассасаларининг тингловчи ва талабалари фаол иштирок этишди.

Ушбу тадбир ёшларнинг юридик ва ҳуқуқий билимларини ошириш, талабалар ва тингловчиларни ўқитишдан ташқари илмий салоҳияти ҳамда ижодий қобилиятини юксалтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

— Олимпиаданинг дастлабки босқичида, яъни ўзлари ўқийдиган олий таълим муассасасида биринчилигини эгаллаган талабалар бугун ўзаро беллашмоқдалар, — дейди Ички ишлар вазирлиги академияси матбуот хизмати раҳбари, подполковник Рустам Ёдгоров. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшларимиз ҳуқуқий билимларининг янада ошишига катта ҳисса қўшади. Иштирокчилар олимпиада кунларида вазирлик академиясида тингловчи ва курсантлар учун яратилган шароитлар, экспонатларга бой музей ва академиянинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Олимпиада қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳуқуқшунослик фани асослари бўйича ёзма иш, тест синовларини топширдилар. Шунингдек, мавзу бўйича суҳбат ва илмий ишлар ҳимояси ҳам ўтказилди.

Якуний натижаларга қўра Ички ишлар вазирлиги академияси 3-ўқув курси тингловчиси Шерали Мухаммадиев биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент Давлат юридик университети 3-босқич талабаси Соҳибжон Гафоров ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети 3-босқич талабаси Исро Жўраевлар қўлга киритишди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 2 августдаги ота-она
қарамоғидан махрум бўлган
болаларни турар жой билан
таъминлаш чора-тадбирлари
хусусидаги қарорига мувофиқ,
шундай ёшларнинг ижтимоий
ҳимоясини кучайтириш, турар
жойлар билан таъминлаш
борасида муайян ишлар амалга
оширилмоқда.



Қарор ва ижро

ЁШЛАРИМИЗ БАХТУ САОДАТИ ЙЎЛИДА

Жумладан, мазкур қарор ижроси-ни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтган давр мобайнида 337 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари уй-жой билан таъминланди.

Қуни кеча эса 2012-2013 ўқув йилларида шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидоги ўқув муассасаларида таълим олган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Чилонзор туманида жойлашган кўп қаватли уйдан 80 нафар ёшлар учун турар жойлар ажратилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни мустақиллик фойлари руҳида муносиб тарбиялаш, маънавияти ва дунёқарашини шакллантириш, уларга таълим бериш сифатини яхшилаш, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун барча шароитлар яратиб бериш давлатимизнинг устувор вазифалари этиб белгиланганлигини таъкидлашди.

— Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган пурмаъно сўзларида, мамлакатимизда ёш авлоднинг тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Зеро, уларга яратиб берилаётган имкониятлар негизда ёшларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, истикболи порлок, нурафшон эртаси мужассам. Бундай тўқис шарт-шароитлар яратилган уйларида эга бўлаётган ёшларимиз Ватанга муносиб ва содиқ фарзандлар бўлиб, унинг ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилмоғи лозим.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кафолатлаш, моддий таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлати-

миз томонидан ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни янада юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда бир қанча корхона ва ташкилотлар, давлат идоралари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар асосий восита бўлиб келмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида биз каби ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун чексиз миннатдорчилик билдираман, — дейди икки хонали уйга эга бўлган Шаҳноза Умарбоева. — Турмуш ўртоғим билан 31-Меҳрибонлик уйида тарбияланганмиз. Ҳозирда битта фарзандимиз бор. Шинам, барча жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган уйнинг қалитини олишим, ҳаётимдаги энг бахтли воқеалардан бири бўлиб қолади.

— Янги уйнинг қалитини олганимда қалбим бениҳоя қувончга тўлди, — дейди Мурод Тямов. — Бунинг сўз

билан ифодалаш қийин. Энди меннинг ўз уйим бўлади. Бунинг қанчалар орзу қилганимни билсангиз эди. Истайманки, юртимизда ҳаммаша тинчлик бўлсин. Келажакда юртимга, халқимга чин дилдан беминнат ва ҳалол хизмат қиламан.

Ҳа, юртимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар замирида бугунги кун ёшларининг ёрқин келажак, мустақам соғлиги, бахтли ва фаровон ҳаёти акс этади. Инчунун, келажак бугундан бошланади. Бизнинг буюк келажакимиз бунёдкорлари бўлган фарзандларимизнинг бахти ва саодати ҳар нарсадан устундир.

Тадбир доирасида шахримиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан
лаҳзалар
Ислом Исмоилов
олган суратлар

Ўзбекистон Давлат консерваториясида
уч кун давомида «XI аср мусиқа таълими:
муаммо ва ечимлар» мавзусида Халқаро
илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманлар

МУСИҚА ТАЪЛИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вакиллари, маданият ва санъатга ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқитувчилари, талабалар ва чет эллик мутахассислар иштирок этди.

Анжуман давомида Ўзбекистон, Германия, Россия, АҚШ, Франция ва Жанубий Корея мамлакатларининг атоқли олим ва ўқитувчилари, ёш мутахассисларининг замонавий мусиқа таълимининг долзарб муаммолари, тарихи, методологияси, янги йўналишлари таҳлили мавзуларида юзга яқин маърузалари тингланди.

— Ўшбу конференция Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида» Қарори ижроси доирасида олиб борилаётган ишларнинг янада юксак талаблар даражасида ташкил этилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори О.Иброҳимов. — Бинобарин, миллий мусиқамизни янада тақомиллаштириш, замонавий ва чет эл мусиқа санъати билан уйғунлаштириш, ўқитиш тизимини жаҳон андозлари даражасида олиб борилишида бундай халқаро анжуманлар катта аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги пайтларда кўплаб болалар санъат ва мусиқа мактаблари, санъат саройлари, маданият марказларининг барпо этилиши ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича ташкил қилинаётган фестиваллар, танловлар ва ижодий лойиҳалар миллий мусиқа санъатининг янада юксалишига ва хорижликлар нигоҳида юксак нуфузга эга бўлишига замин яратмоқда.

Шу жумладан, маданият ва санъат соҳасидаги ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш ва ўқитиш методикасини ривожлантиришда ўз самарасини бераётган. Инновацион ишланмалар, илғор технологияларни соҳага жорий этиш энг муҳим ва истиқболли йўналишлар каторидан жой олмоқда.

— Ўзбекистонда таълимнинг барча соҳалари қатори мусиқа санъатининг ҳам мукамал тизими яратилган, — дейди франциялик олим Луи Сифштейн. — Ўтказилаётган кўрик-танловлар ва турли тадбирлар эса иқтидорли ёшларни юзга чиқариш ва уларнинг истеъдодини янада шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Юртингизда иқтидорли ёшларнинг кундан кунга кўпаяётгани бунинг яққол исботидир.

Анжуман қизиқарли фикр-мулоҳазалар, қизгин баҳс ва музокараларга бой тарзда ўтди.

Гулҳаё ЭЛМУРОВА

2014 йил — Соғлом бола йили

ФХДЁ УЧУН ЯНГИ БИНО

15 май — Халқаро оила кунини муносабати билан Шайхонтохур тумани ФХДЁ бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оилага хос миллий анъаналарни асраб-авайлаш, ривожлантириш, ҳуқуқий, моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ва бошқа қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши оила институтининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Никоҳланувчи ёшларни оилага тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида жойларда замонавий иншоотларнинг қуриб, фойдаланишга топширилаётгани алоҳида юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. ФХДЁ органларининг 2013-2014 йиллар учун моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир дастурга мувофиқ ишга туширилаётган замонавий бинолар мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёш оилалар учун қўлай турмуш шароити яратиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг амалий ифодасидир.

— Миллий меъморлик ҳамда замонавий архитектура анъаналари асосида барпо этилган мазкур бино шинам ва ҳар томонлама қўлайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Шайхонтохур туман ФХДЁ бўлими мудири Озода Абдуазизова.

— Замонавий жиҳозланган маросимлар зали, она ва бола, ҳужжатларни сақлаш ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатиш хоналари бу ерга ташир буюрадиган аҳолини ҳушнуд этиши шубҳасиз.

Тадбирда ФХДЁ бўлими қошида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг фаол аъзолари тақдирланди. Шу билан бирга, катта ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг никоҳлари қайд этилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Пойтахтимизда Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 151 йиллиги ҳамда «Соғлом бола йили» муносабати билан «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ташкил этилди.

Тадбирлар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

— Ҳар йили май ойида доимий равишда ер юзига энг инсонпарвар Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти ташкилотлари ташкил этилган сана кенг миқёсда нишонланади, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси Умида Муҳамедова. — Инсонпарварлик, ҳолис-лик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрлилик, ягоналик ва умумийлик каби тамойиллар асосида фаолият олиб бораётган, Халқаро Қизил Хоч ташкилотига бугунги кунда 189 та давлат аъзодир. Бизнинг шаҳар бўлими-мизнинг эзгулик ва яхшиликка йўрилган мақсадли ишлари юрт тинчлиги, хотиржамлиги ва фарзандларимизнинг истиқболи ёрқин келажакни таъминлашга қаратилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилоти юқорида таъкидлаб ўтилган етти та тамойилларга асосланган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш,

фавқуллодда ҳолатлар юз берганда ўзи ва бошқаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш билимларини ўргатиб ва тарғиб қилиб келмоқда.

«Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасида туман босқичларида ғолиб чиққан санитар постлар аъзолари иштирок этди.

Улар сафда туриш, жароҳатланган, бахтсиз ҳодисаларга учраган ва тасодифан касал бўлганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда ётган беморларга қараш, шахсий ва жамоатчилик гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳамда, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондалари бўйича етти та шарт юзасидан ўз билимларини кўрсатган ҳолда ўзaro беллашдилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ходимлари томонидан ўқув-семи-

нарлари ташкил қилиниб, мактаб ўқувчилари ва ҳамширалари 26 соатлик дастур асосида ўқитилди.

Шунингдек, муассаса волонтерлари иштирокида байрам тадбири ташкил қилиниб, Меҳрибонлик уйлари, 100-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати тарбияланувчилари томонидан концерт дастурлари уюштирилди.

Бугунги кунда шахримиздаги эллиқдан ортиқ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган. 25 мингдан зиёд ўқувчилар жамиятга аъзо бўлиб, доимий равишда унинг фаолиятида қатнашиб келмоқдалар.

Мазкур тадбирда ҳам жамият аъзолари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, дилбрак сарслари билан «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг мазмунли ва қизиқарли чиқишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

Диққат, танлов!

«ЯНГИ НИГОҲ»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Янги нигоҳ» видеороликлар танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади:

Ўзбекистонда ёшлар туризмининг ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб этиш, медиа маҳсулотларнинг кенг тарқалган тури – видеороликлар ёрдамида мамлакатнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

Танлов номинациялари:

— «Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойён этган энг яхши видеоролик»;

— «Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик»;

— «Видеоролик сценарийси учун энг яхши ғоя»;

— «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик».

Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

— Ижодий ишларни қабул қилиш – 2014 йилнинг 1 октябригача.

— Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросимини ташкил этиш – 2014 йилнинг 15 ноябригача.

Танловда таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари, ижодий бирлашмалар, марказ ва клублар аъзолари, журналистлар, видео-маҳсулотлар яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Ижодий ишлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман (шаҳар), вилоят кенгашиларида қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни www.kamolot.uz сайти ва (8 371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

2014 йил — Соғлом бола йили

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Бадий академияси
Марказий кўргазмалар залида
«Камалак жилоси» республика
болалар расмлари кўрик-танловининг
акунинг босқичи бўлиб ўтди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда юртимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари-нинг 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорлар кўргазмалари, фестиваллар, ижодий танловлар ўғил-қизларнинг тасвирий санъатга қизиқишини янада ошириш, қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мазкур анъанавий танлов ёш авлод маънавияти ва бадий-эстетик дидини юксалтириш, болалар онгу шуурида тинчлик-осойишталикни қадрлаш, ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловда болаларнинг акварель расмлари ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиққан иштирокчиларнинг икки юзга яқин ижодий иши ўрин олган.

Пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ольга Алексеева, Жиззах вилоятидаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Бехруз Жумабоев, Сирдарё вилояти Болалар шаҳарчасидан Юрий Савин, Навоий вилояти Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Бобшер Мавлоновнинг ижодий ишлари турли йўналишлар бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Устозларимдан рангтаъсир сирларини ўрганмоқдаман, — дейди Сурхондарё вилояти 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дурдона Абдуҳамидова. — Бу ерда тенгдошларим ижоди ишлари турли йўналишдан танишганим мени келгусида янада кўпроқ изланишга ундайди. Бундай кўргазмалар биз, ёшларга янги куч ва ғоялар бериши билан аҳамиятлидир.

Кўргазма давомида тезкор расм чизиш танлови ҳам ташкил этилди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти жамоаси иш юрт-тувчи Арбоб Араббеович Элмуродовга синглиши **Фотима ЭЛМУРАДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

